



journal homepage:

<https://www.supportscience.uz/index.php/ojss>

## REPRESENTATION OF THE FEMALE FIGURE IN THE PAINTING OF UZBEKISTAN

**Ulugbek Nigmatov**

associate professor

National Institute of Painting and Design named after Kamoliddin Behzod  
Tashkent, Uzbekistan

### ABOUT ARTICLE

**Key words:** creation, image, image, symbol, factor, painter, plastic solution, means of expression, composition, decorative painting.

**Received:** 22.11.22

**Accepted:** 24.12.22

**Published:** 26.12.22

**Abstract:** This article analyzes the originality and unique means of expression in the representation of women's images by Uzbek painters. Also, the personal attitude of the artist in the representation of women's figures and the place in the development of the art of painting are substantiated.

## ЎЗБЕКИСТОН РАНГТАСВИРИДА АЁЛ СИЙМОСИНИНГ ИФОДАЛАНИШИ

**Улугбек Нигматов**

доцент

Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти  
Тошкент, Ўзбекистон

### МАҚОЛА ҲАҚИДА

**Калит сўзлар:** ижод, тасвир, образ, тимсол, омил, мусаввир, пластик ечим, ифода воситалари, композиция, декоратив рангтасвир.

**Аннотация:** Мазкур мақолада ўзбек рангтасвиричі рассомларининг аёллар образини ифодалашида ўзига хослик ва бетакрор ифода воситаларининг тасвирланиши таҳлил қилинган. Шунингдек, аёллар сиймосини ифодалашда ижодкорнинг шахсий муносабати ҳамда рангтасвир санъати ривожида тутган ўрни асослаб берилган.

## ИЗОБРАЖЕНИЕ ЖЕНСКОЙ ФИГУРЫ В ЖИВОПИСИ УЗБЕКИСТАНА

**Улугбек Нигматов**

Доцент

Национальный институт живописи и дизайна имени Камолиддина Бехзода  
Ташкент, Узбекистан

## О СТАТЬЕ

**Ключевые слова:** творчество, образ, образ, символ, фактор, живописец, пластическое решение, выразительные средства, композиция, декоративная живопись.

**Аннотация:** В данной статье анализируются своеобразие и уникальные средства выразительности в изображении женских образов узбекскими живописцами. Также обосновывается личное отношение художника к изображению женских фигур и место в развитии искусства живописи.

### КИРИШ

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг, тасвирий санъатни хусусан, дастгоҳли рангтасвирнинг тараққий этишига 1997 йил 23 январда қабул қилинган “Ўзбекистон Бадиий Академиясини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони хуқуқий асос бўлиб хизмат қилди [1,3].

Ўзбек рангтасвир санъати ривожланаётган йилларда мусаввирларнинг турли жанрларда ижод қилаётганлиги, айниқса, унда аёл тимсолининг тасвиrlаниши, ундаги қадриятларимизга бўлган эътибори, миллий санъатимиз равнақ топаётганлигини кўрсатувчи омил сифати ҳизмат қиласди.

Аёлни эъзолаш, унга эҳтиром кўрсатиш ўзбек халқига хос олижаноб хусусиятлардан биридир. Ўзбекистоннинг замонавий тасвирий санъати мустақиллик даврида кенг тус олиб, тасвирий санъатнинг барча турлари ўзига хос ривожланди. Кўхна тарихимизда ўчмас из қолдирган, юрт тинчлиги, фаровонлиги йўлида мардонавор курашган ва бир вақтнинг ўзида аёллик тимсолини, оналик меҳрини аямай фарзанд тарбиялаган буюк оналаримизу аёлларимиз образини тасвирий санъат оламига кириб келиши катта воқеадир.

### АСОСИЙ ҚИСМ

Ўзбекистон тасвирий санъати жумладан, рангтасвирнинг мустақиллик йилларидаги ҳолати санъатшунослик доктори, академик Акбар Хакимов, санъатшунослик фанлари докторлари Нигора Ахмедова ва Камола Акилова, фалсафа фанлари доктори Тилаф Маҳмудов, тарих фанлари доктори Абдумажид Мадраимов, санъатшунослик фанлари номзоди Нельмат Абдуллаев ва бошқалар тадқиқотларида маълум даражада ўрганилган [2,12].

Дарҳақиқат, ҳар бир инсоннинг ички дунёси, ташқи кўриниши, табиат ато этган латофати мавжуд. Портретчи рассом ҳар бир одамга хос характерни ҳис қила билмоғи, унинг сиймоси ва ички дунёсини очиб бериши лозим. Ҳар бир даврда бўлгани каби, турли йилларда тасвирий санъатда аёллар тимсолига катта эътибор қаратилди ва яратилган портретлар ҳар бир давр ижодкори учун муҳим манба, ёдгорлиги ҳисобланади.

Рассомлар ижодида аёл тимсолини моҳирона тасвирлашда улкан мувафақиятларга эриша олган мусаввир Ўзбекистон халқ рассоми Чингиз Аҳмаровнинг “Ширин”, “Мукаррама Турғунбоева”, “Шоира Зулфия”, “Ҳалима Носирова” каби портретлари ёрқин мисол бўла олади. Ижодкорнинг бу туркумдаги асарлари ўзига хос бадий пластик ечими ва колорити билан эсда қолади.

“Тўрт гўзал” сиймосини акс эттирган моҳир рассом Чингиз Аҳмаров номини эшиитмаган, унинг ижоди билан боғлиқ бўлган нафис тасвирларни билмаган санъат ихлосмандлари бўлмаса керак. Унинг “Тўрт гўзал” асарида санъат тимсолини мужассам этган гўзалларнинг бири рақсга тушмоқда, иккинчиси соз чалмоқда, учинчиси шеър ёзмоқда, тўртинчиси мусаввирлик билан машғул бўлган ёрқин тимсолларни кўрамиз.

Рассомнинг Ўзбекистон тасвирий санъатида ўзига хос ажойиб ранглар уйғунлигига эга полотноларни яратиб, миллий санъатимизнинг ривожига улкан хисса кўшган, унинг ўз ижодий йўли ва санъат мактаби мавжуд. Рассом бадий маданият обидаларини синчковлик билан ўрганар экан, ўзидан аввалги рассомларнинг ижодий таомилини, уларнинг эстетик тушунчаларининг ўзига хослиги, бадий қарашлар ва гўзаллик идеалларини тушуниб, ўзига хос тарзда ривожлантиришга харакат қилар эди. Барча ижод, санъат аҳли ҳамиша мурожаат қиладиган мавзу, буюк асарлар, нодир ғазаллар, гўзал кўшиқлар яратилишининг асосий сабабчиси аёлдир. Асар композицияларининг декоративлигиги, ҳажмларнинг текисликдаги ифодавийлиги, чизманинг нозик ва мусиқавийлиги, асар ҳар бир қисмининг меҳр билан ишланганиши, мумтоз миниатюрист рассомлар сингари маконнинг ҳис қилиниши ва бошқа Марказий Осиё классик миниатюрасидан келиб чиқувчи рамзий образлар, рассом Чингиз Аҳмаров томонидан замонавий санъат нуқтаи назарларидан қайта фикрланган ҳолда деворий суратлар театр интерьерига органик тарзда жойлашган. Ушбу асарлари учун Ч. Аҳмаров собиқ иттифоқ давлат мукофотига лойик деб топилган.

Мунис, латофатли ва ожиза деб таърифланувчи аёл барчани мафтун этадиган жозибага, қудратга эга. Барча яхшилик ва ёмонлик курашининг ибтидоси-ю интихосида аёл туради. Рассомлар ҳам ўз ижодида аёлнинг нозик хилқат эканлигини алоҳида эътироф этади. Уларнинг бу эътирофи портрет жанридаги асарларда, айниқса, аниқ ифода қилинади. Мисол сифатида айтиш мумкинки, Павел Беньковнинг “Татар қиз” (1924), Надежда Кашинанинг “Доирачи қиз”(1945), Раҳим Ахмедовнинг “Сурхондарёлик қиз” (1959), Рўзи Чориевнинг “Келинчак” (1968), Ориф Муиновнинг “Тўмарис” (1998), Тоҳир Каримовнинг “Моҳичехра” (2007) асарлари портрет жанрининг ажойиб намуналари бўлиб, уларда аёл сиймосининг ёрқин намуналари яратилган.

Ўзбекистон халқ рассоми Раҳим Аҳмедов яратган портретлар орасида “Она ўйлари” картинаси ўзбек тасвирий санъатидаги энг ажойиб асарлардан бири деб баҳолаш мумкин. Ушбу асарда она сиймосининг мураккаб, ниҳоятда теран, айни пайтда, жонли, илиқ образи яратилган. Шу боис, “Она ўйлари” асари мутахассис санъатшунослар томонидан ҳозиргача қадрланиб келмоқда. Муаллиф бу асари билан портрет санъатида янги фикрни айта олган. Ҳозир ижод қилаётган рассомлар ҳам ўз ижодида аёл сиймосини яратишига алоҳида эътибор билан қаратайтганлиги аёлларга меҳр-муҳаббат ва эҳтиром ҳамиша юксак эканлигидан далолат беради.

Аёллар Ўзбекистон тарихида ҳам, мамлакатимиз маданияти ва санъатининг равнақ топишида ҳам, муҳим рол ўйнаган. Улар Шарқда таомил бўлганидек, елкаларида оила ташвишлари ва рўзғор юмушлари юкини кўтариш билан бирга, маълум даврларда давлатни бошқаришда ҳам фаол иштирок этганлар. Республикамиз биринчи раҳбарининг “Аёлларни эъзозлаш – ҳаётни эъзозлашдир” [3,71] деган сўzlари республикамизда хотин-қизларга нақадар катта эътибор қаратилганлигидан далолат беради. Аёлларни эъзозлаш ва уларга ҳурмат кўрсатиш қадим шарқнинг ўзига хос хусусиятларидан биридир. Ватанимиз тарихи сахифаларига Тўмарис, Бибихоним, Гулбаданбегим, Нодирабегим, Зебунисо, Увайсий, Анбар Отин каби аёллар номи олтин ҳарфлар билан битилган. Уларнинг ватан озодлиги йўлида кўрсатган жасорати, қаҳрамонликлари, сабр-бардоши, юксак маърифати ҳамиша ибрат.

Ўзбекистон тасвирий санъатининг XX аср ўрталарида ижод қила бошлаган аёл рассомлар бадиий жараёнда фаол иштирок этдилар. Ижодкорлар санъат ривожи борасида бир қатор ютуқларга эришди ва ижобий ўзгаришларга қадам ташлади.

Ўзбек санъати равнақ топаётган йилларда тасвирий санъатда бошқа рассомлар қатори биринчи ўзбек аёл рассоми Шамсирўй Хасанова ижодида аёллар тимсоли алоҳида ўринни эгаллайди. У 1940-йиллардан бошлаб тарихий портретларга мурожаат қила бошлаган ва ўрта аср шарқ шоирапарининг портретлари туркуми устида ишлашни давом эттириди. Ўзи севган ва ижодини ардоклаган Зебунисобегим образини яратиш йўлида бир қанча полотнолар яратди. Рассомнинг “Зебунисобегим”, шоира “Нодирабегим”, шоира “Увайсий”, “Мутриба” каби сиймолар портретлари ва бошқа бир қатор картиналари турли музейларнинг олтин фондидан ўрин олган [4,134].

Жумладан, Ўзбекистон давлат санъат музейида Қўқонлик шоира Нодира ва Увайсийнинг, Самарқандлик шоира Мехрининг портретлари сақланади. Ушбу асарлар ўзининг композицион тузилиши, колоритининг уйғунлиги, гўзаллиги ва чизик пластикасининг ифодалилиги билан ажralиб туради. Айниқса, қашқар шоираси

“Мутриба” портретида ўзининг шафтоли гулидек нозик, биллурдек тиниқ ранглари, чизиқларининг мусиқавийлиги билан томошабинни ўзига жалб этади. Шу даврда яратилганган асарлари орасида баъзиларининг ноанъанавийлиги ҳам киши диққатини ўзига жалб қиласди.

Қисқа, лекин сермазмун ижоди давомида санъаткор шоира, мусиқачи аёллар портретлари галереясини яратиш устида иш олиб борди. Булар орасида кенг томошабинга танилган қашқар шоираси “Мутриба” портретидир. Портретда шоира ва мусиқачи аёлнинг илҳоми жўш урган пайти мохирона тасвиirlанган. Куй оҳангি орқали аёл ўз дарду-аламларини унтиб, соз товуши сехрига маст, умидлар оғушида тасвиirlанган. Аёл кўлидаги қашқар рубоби акс эттирилган. Аёл ортидаги гуллаган дараҳт новдаси унинг умидлари учқунлаётгандек тасаввур хосил қиласди.

Ш.Ҳасанованинг яна бир “Увайсий XIX аср Қўқон шоираси” номли асарида қаҳрамоннинг аёлларга хос нафосати юксак маҳорат билан тасвиirlанган. Увайсий фақат шоира эмас, давлат арбоби сифатида ҳам ардоқланиб келинган. Асарда ёш, кўркам, нафосат, шарму ҳаё билан боқиб турган аёл образи сиймосида давлат ичида бўладиган турли кўнгилсизликларни ўз қатъияти билан енгган, ўз ҳисларини қоғозга тушириб, бир оз бўлса-да ўз дардини унтиб яшаётган шоира сиймоси тасвиirlанган. У бир қўлида гул, иккинчи қўлида китоб тутган ҳолда тасвиirlаниб, ихчам аёл гавдаси сиймосида катта иродага эга, кучли, жасур, дилкаш сиймо сифатида таассурот қолдиради образи яширинган. Ш.Ҳасанова турли жанрларда ижод қилиб, Ўзбекистон тасвирий санъати тараққиётига муносиб ҳиссасини қўшиди.

Юқорида келтирилган ижодкор аёллар қатори мен ҳам 2011 йилдан буён ўзбек аёллари, жумладан, “Бувимлар”, “Она”, “Санъаткор” ва дугоналаримнинг туркум портретларини яратиб, уларда бахтиёр ўзбек аёлларининг ёрқин сиймоларини ифодалашга ҳаракат қилдим. Бунда устоз портретчи санъаткорлар А.Абдуллаевнинг “Она”, Ч.Аҳмаровнинг “Етти гўзал”, Ш.Ҳасанованинг “Нодира”, “Увайсий” ҳамда академиклар А.Икромжоновнинг “Комила” портрети, А.Нурнинг “Мухаббат дарёси”, “Олтин ҳомила” [5,224] ва С.Рахметов “Ота уй” каби ижодларида яратилган аёллар образи мен учун намуна сифатида хизмат қилганини айтишим керак.

## ХУЛОСА

Ўзбек мусаввирлари ижодида аёл тимсоли мавзусини тадқиқини хulosаси ўрнида таъкидлаш жоизки, рангтасвирида ҳаёт давомчиси бўлган она, севимли ёр, турли хил касбларда меҳнат қилаётган замонавий аёллар образларидан тортиб, ҳар бир даврнинг ўзига яраша эл хурматини қозонган Барчиной, қадим тарихда эл юрт озодлиги учун

курашган Тўмарис, суюкли ва вафодор Бибихоним, Нодира ва яна бошқа кўплаб тилларда достон бўлган аёлларнинг қиёфалари асарлар орқали абадий қолади. Аёл образи ҳар доим ижодкорларни руҳлантириб, уларни янгидан янги бетакрор асарлар яратишга ундаиди. Республикаиз тасвирий санъати тарихида ўр ўрнига эга устоз санъаткорлар Ч.Ахмаров, Ш.Ҳасанова, Р.Аҳмедов, Н.Абдуллаевдан кейинги авлод ичидаги А.Икромжонов, С.Раҳметов, А.Нурнинг энг сара портретлари ёш рассомлар, шунингдек менинг учун бир маҳорат мактаби бўлиб ҳизмат қилди.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 23.01.1997 йилдаги ПФ-1701-сон. LexUz.
2. Акбар Хакимов. Искусство Узбекистана история и современность. Ташкент.: “Санъат”. 2010.
3. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент.: “Маънавият”. 2008.
4. С.Абдирасилов, Б.Бойметов, Н.Толипов. Тасвирий санъат. Тошкент.: 2006.
5. Мир образов Акмаль Нура. Альбом каталог/автор вступительной статьи и составитель К.Акилова. Ташкент: “San’at”. 2015.